

Туман ҳокимининг навбатдаги қабули бўлиб ўтди



Аҳоли муурожаатларини тинглаш, масъуллар иштирокида кўриб чиқиш ҳамда ҳал этиш мақсадида туман ҳокими Шухрат Назаров навбатдаги қабулини ўтказди.

Қабулда 30 нафар фуқаронинг уй-жой олиш, эгалик ҳуқуқи, даволаниш, ўқиш учун моддий ёрдам ажратиш, газ, сув ва электр энергияси таъминоти каби қатор масалалардаги муурожаатлар тингланди. Ҳар бир муурожаат масъуллар иштирокида кўриб чиқилиб, ўнга яқини шу ернинг ўзида жойида ижобий ҳал этилди. Айрим муурожаатларга масъулларга томонидан тушунтириш берилди.

Ижроси муддат ва қўшимча ўрганиш талаб қиладиган муурожаатлар тегишлилиги бўйича кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун масъулларга йўналтирилди. Ижроси туман ҳокимлиги томонидан назоратга олинди.